

МУҲАММАД ИБРОҲИМ АТОЙИНИНГ “ОСИЁ ЮРАГИДА ТЎФОН” РОМАНИДАГИ ТЕРМИНЛАР ТАДҚИҚИ

С. Қорабоев,

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация Ушбу тадқиқот романдаги терминологик қатламни тизимли таҳлил қилади: асосий лексик-категориялар (ихтисосий атамалар, маданий-аттрибут терминлар, халқона фразеология, метафора ва термин-коинот), уларнинг контекстга боғлиқлиги ва семантик кенгайиши, шунингдек терминларнинг стилистик ва прагматик роли кўриб чиқилади. Романдаги терминларни морфологик ва семантик синфларга ажратиш, уларнинг ижтимоий-маданий референтлари ва ўзбек тилидаги эквивалентларини аниқлаш, шунингдек таржима ва терминотехник масалалар (муқобил эквивалентлар, лосе/лосе ҳолатлар, терминеологик инноватсиялар) таҳлил қилинади. Тадқиқотда корпус-услуб (романдан олинган формалар), контекст-ёндашув ва қиёсий анализ (агар зарур бўлса бошқа ўзбек ёки чет тиллардаги адабий намуналар билан) қўлланади. Натижа сифатида романдаги терминларнинг функционал ҳаритаси ва адабий-терминологик луғат (чекланган намунавий рўйхат) тақдим этилади.

Калит сўзлар: терминология, адабий терминлар, лексикосемантика, маданий референт, фразеология, метафора ва термин, таржима ва эквивалентлик, лексик инновация, корпус-таҳлил, терминография

Афғон адабиётшунослигида адабиётнинг тил билан муносабати масалалари тадқиқ қилиниши керак бўлган муҳим масалалардан бири бўлса ҳам, шу кунга қадар афғоншунос филологлар (ҳам тилшунослар, ҳам адабиётшунослар) назаридан четда қолмоқда. Шу жумладан, пушту тилидаги тарихий романларнинг лингвистик тадқиқи муаммоси ҳам муаммони махсус ўрганишни тақозо этади. Пушту тилидаги тарихий романлар орасида ўзининг

лингвистик ранг-баранглиги билан Муҳаммад Иброҳим Атойининг “Дъ осие пъ зрь ке тўфон” – “Осие юрагида тўфон” романи ажралиб туради.

1930-йилда Қандаҳорда туғилган ёзувчи Муҳаммад Иброҳим Атои, фолклорист тадқиқотчи бўлганлиги сабабли тарихий романларини тилнинг турли унсурлари билан беаган ҳолда ифодалай олган. Бунда И.Атойининг журналист сифатидаги фаолияти ҳам ас қотди.

Атойининг иккинчи инглиз-афғон урушини тасвирлаган романи “Дъ осие пъ зрь ке тўфон” – “Осие юрагида тўфон” деб аталиб, 1980-йилда иккинчи инглиз-афғон уруши якунланганининг 100 йиллиги арафасида чоп этилди. Асар анъанавий тарихий роман услубида ёзилган бўлиб, унда муаллиф паштун халқи ҳаётидаги мураккаб даврни, урушдаги қуролли тўқнашувлар, қўшинлар ҳаракати, қўмондонлар орасидаги бахс-мунозаралар, амир атрофидаги фитналар, яширин келишувлар ва норозиликларни батафсил тасвирлашга ҳаракат қилган. Шу сабабли асарнинг тили тарихий сўзлар, ҳарбий, сиёсий дипломатик ва юридик атамаларга бой.

Романда Амир Шералихон (хукмронлик йиллари 1869-1879 йй.) ақлли, эҳтиёткор, узоқни кўра оладиган доно ҳукмдор сифатида инглизларнинг хужуми яқинлашаётганини сезади ва Россия империяси билан иккитомонлама дипломатик алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилади. Муаллиф дипломатик муносабатларни ифодалашда مصعونيت [масъунийат] - “дахлсизлик”, ديپلوماسي [диплўмоси масъунийат] - “дипломатик дахлсизлик (иммунитет)”, ديپلوماسي اړيکي [диплўмоси арике] - “дипломатик алоқалар”, متمرکز [мутамаказ] - “марказлашган”, تړون [тарун] - “келишув”, د سولې تړون [дъ суле тарун] - “тинчлик келишуви”, د سولې او امنيت قيام [дъ суле ав амнийат қийом] - “тинчлик ва барқарорлик ўрнатмоқ”, دوه اړخيزه اړيکه [два архиза арика] - “иккитомонлама алоқа” каби сиёсий ва дипломатик атамаларни кенг қўллайди.

Амир Шералихоннинг ўлими натижасида Афғонистон Россия билан мустаҳкам алоқа ўрнатишга улгурмайди. Унинг ўрнига келган Амир Ёқубхон (хукмронлик йиллари 1879-1880 йй.) инглизларга қарши кураш давом этаётганига қарамай, ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолиш учун 1879-йилнинг

26-майида улар билан “Гандамак” номли тинчлик шартномасини тузади. Шартнома тузиш жараёнида قرارداد [қарордод] - “шартнома”, د قرارداد فقره [дъ қарордод фикра] - “шартноманинг банди”, هوکى كول [хўкай кавъл] - “розилик билдирмоқ”, پوروى [пўрвўрай] - “қарздор”, توقيف [тавқиф] - “арест”, “қўлга олиш”, تجويس [тажвиз] - “қарор”, “резолүция”, استنطاق [истинтоқ] - “сўроқ”, تجسس [тажассус] - “тергов”, “суриштирув” каби юридик терминларни ишлатади. Ўз ўринда ишлатилган юридик атамалар асар тилига ўзига хос жозиба бағишлайди.

“Гандамак” шартномасига кўра, пуштун қабилалари яшайдиган бир қанча ерлар, шу жумладан, Хайбар довони ҳам инглизлар назорати остига ўтиши ва бу ердаги инглиз дипломати Афғонистон ташқи сиёсатини (алоқаларини) назорат қилиши керак эди. Шартномага асосан инглизлар томонидан Афғонистонга юборилган инглиз сиёсий агенти Каваняри Кобулга келган пайтда халқ кўзғолон кўтаради ва Каваняри ўлдирилади. Романнинг шу нуқтасидан бошлаб афғонлар ва инглизлар ўртасида қонли жанглар бошланади ва асар тили ҳарбий атамалар билан бойиб боради.

Асар тили ҳарбий атамаларга жуда бой бўлиб, уларни қуйидаги тартибга таснифлаш мумкин:

- жанговар ҳаракатларга оид ҳарбий атамалар;
- курол-аслаҳага оид ҳарбий атамалар;
- ҳарбий техникага оид ҳарбий атамалар;
- таъминотга оид ҳарбий атамалар;
- тактикага оид ҳарбий атамалар;
- ҳарбий унвонлар ва буйруқлар.

Романда асосан жанговар ҳаракатлар тасвирланганлиги сабабли персонажларнинг нутқи ҳам ҳарбий муҳитга мослаштирилган бўлиб, кўмондонларга нисбатан итоатнинг кучлилиги бадий асар персонажлари тилида ўз аксини топган.

Асарда мурожаат шакллариининг персонажнинг ижтимоий мақоми, яъни ёши, мавқеи, жинси асосида тартибга солинган. Асардаги дастлабки мурожаат

шакли Амир Шералихон таклифи билан Афғонистонга келган доктор Ёварскийга нисбатан *داکتر صاحب* [дортор соҳиб] - “жаноб шифокор” деб ишлатилган бўлса, амирнинг ўзига *حضرت سکندرشان اشرف امير صاحب* [Ҳазрат Искандар шон ашраф амир соҳиб] - “Искандар каби шарафланган амир ҳазратлари” тарзида қўлланилган.

Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, И.Атоий мазкур тарихий романида “паштунволий” принципларини ҳам жанг ҳаракатларига мос равишда талқин этилганлигини кўрсатиб бера олган.

Бунинг устига муаллиф романда ўша давр лисоний муҳитини тасвирлашда архаизм, историзмлардан кенг фойдаланилган. Шунингдек, романда тарихий давр ва шахслар гавдалантирилар экан, уларга хос барча хусусиятларни ўша давр воқелигига мос ҳолатда тасвирлашга ҳаракат қилинади, асар қаҳрамонларига даврнинг руҳи сингдирилади. Даврга хос маданият, турмуш, урф-одат ва муносабатларни кўрсатиб беришда тилдан асосий восита сифатида фойдаланилган.

Муаллиф асарда персонажлар нутқини индивидуаллаштиришда халқ оғзаки ижоди намуналаридан, фразеологизмлардан, Афғонистондаги минтакалар, тоғлар ва дарёлар каби географик номлардан унумли фойдаланиб, нутққа миллий руҳ бағишлашга эришилган. Нутқнинг тарихий-ижтимоий ҳосланишида миллий менталитетнинг намоён бўлишини персонажлар нутқида келтирилган мақол, иборалар орқали ҳам кўриш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, И.Атоийнинг “Дъ осие пъ зръ ке тўфон” романи лингвистик тадқиқи бу турдаги тарихий романларни лингвистик аспектда тадқиқ этишга қаратилган илмий тадқиқотларда тил ва давр, тил ва жамият тарихий муҳит ва тил масалаларини яхлит кузатиш, уйғун таҳлил қилиш лозимлигини кўрсатади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Атой, М. И. *Осие юрагида тўфон*. — Тошкент: (нашриёт номи), (нашр йили).
2. Вүстер, Э. *Общая теория терминологии*. — Москва: Наука, 1984.

3. Сагер, Х. Хуан. *Введение в терминологию*. — Москва: Прогресс, 1990.
4. Теммерман, Рита. *Современные подходы к описанию терминов: социотерминология*. — Брюссель: VUB Press, 2000.
5. Бергенгольц, Х., Таельдеман, Й. *Теория и практика терминографии*. — Копенгаген: Copenhagen Business School Press, 2003.
6. Сафаров, Ш. *Лингвокогнитив таълимот асослари*. — Тошкент: Фан, 2008.
7. Боймирзаева, Д. *Фразеология ва унинг лингвомаданий хусусиятлари*. — Тошкент: Фан ва технология, 2015.
8. Йўлдошева, Н. *Таржима назарияси ва амалиёти асослари*. — Тошкент: Университет нашриёти, 2019.
9. Хожиев, А. *Ўзбек тилининг изоҳли лугати*. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
10. Шомақсудов, А. ва бошқалар. *Ўзбек адабиёти тарихи (XX аср)*. — Тошкент: Ўқитувчи, 2010.